



ТАМБОВСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА



**“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ  
ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ  
ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”**

халқаро илмий-амалий анжуман

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**(I-қисм)**

**(2021 йил 19-20 феврал)**

Самарқанд - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ  
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”**

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН  
ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»**

**халқаро илмий-амалий анжуман  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**(I қисм)**

**(2021 йил 19-20 февраль)**

**САМАРҚАНД – 2021**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

**ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА**

**“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В  
УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ  
ЭКОНОМИКИ”**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ  
международной научно-практической конференции**

**(часть 1)**

**(19-20 февраля 2021 г.)**

**ТАМБОВ – 2021**

**Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 300 бет.**

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

**М.Қ.Пардаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

**Нашр учун масъуллар:**

**М.М.Мухаммедов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Ж.Р.Зайналов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**И.С.Тухлиев** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Н.А.Ибрагимов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**К.Б.Уразов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Б.И.Исроилов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,

**Т.С.Шарипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

**А.Н.Холиқулов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

## “ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТ КЛАСТЕРИ” БРЕНДИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА НУФУЗИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада суфийлик зиёрат туристик хизматларни кўрсатишга ихтисослашган “Бухорйи Шарифнинг Етти Пир зиёрат кластери” брендининг тузилишини кўриб чиқиб, унинг халқаро миқёсда нуфузини оширишга қатарилган чора-тадбирлари тавсия этилади.

**Калит сўзлар:** зиёрат туризми, зиёрат кластери, бренд, туристик худуд, “Парвоз этувчи қалб”.

**Аннотация:** В статье рассматривается структура бренда паломнического кластера “Семи Пиров Благородной Бухары”, специализирующегося на предоставлении суфийских паломническо-туристических услуг и рекомендуются меры по повышению его престижа на международном уровне.

**Ключевые слова:** паломнический туризм, паломнический кластер, бренд, туристская дестинация, “Летающая душа”.

**Abstract:** The article examines the brand structure of the pilgrimage cluster "Seven Pirs of Noble Bukhara", which specializes in providing Sufi pilgrimage tourist services, and recommends measures to increase its prestige at the international level.

**Keywords:** pilgrimage tourism, pilgrimage cluster, brand, tourist destination, "Flying Soul".


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади”<sup>38</sup>, деб таъкидлади. Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажариш учун хорижда синалган ва туризм соҳасини худудий жиҳатдан самарали ташкил этиш ва хизмат кўрсатувчи субъектларининг кўшилган қиймат занжири билан боғлиқлигини таъминлашга қодир бўлган кластер ёндашувида зиёрат туризмни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро вилоятида суфийлик зиёрат туристик хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “Етти Пир зиёрат кластери”ни тузиш ва халқаро миқёсда нуфузини ошириш жараёнида унинг брендини тузиш муҳим ҳисобланади. Мазкур кластер брендининг таркибий тузилиши Н.С.Ибрагимов томонидан тавсия этилган туристик худуд бренди формуласи асосида шакллантириш мақадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу формулага кўра туристик худуд бренди “Туристтик худуд номи + Слоган(шиор) + Логотип”<sup>39</sup> таркибий

<sup>38</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056> [29.12.2020].

<sup>39</sup> Ибрагимов Н.С. Туристтик худудни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Бухоро. Durdona. 2020. Б:153.

қисмлардан иборат бўлиши маъқул. “Етти Пир” зиёрат кластери брендини шакллантиришда биз зиёрат ҳудуди номи сифатида – “Бухорӣ Шариф” (Holy Bukhara) ни танладик. Слоган ёхуд шиор сифатида “Етти Пир суфийлик зиёрати” (Pilgrimage into the Seven Sufi Saints) иборасини ва логотип сифатида эса “Парвоз этувчи қалб” рамзини танлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Биз “Етти Пир” зиёрат кластери брендини қуйидаги кўринишда тавсия этамиз (1-расмга қаранг).



**1-расм. “Етти Пир кластери” бренди<sup>40</sup>**

“Етти Пир зиёрат кластери” ва унинг брендини халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларини амалга оширилиши биз тавсия этамиз:

1. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO)нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олиши ва ушбу брендининг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун ҳудудда мавжуд бўлган кўпгина муқаддас жой ва табаррук қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳидан жозибadorлигини ошириш, “Етти Пир” зиёрат кластерининг таклиф тизимини диверсификациялаш ва ҳудудга наф келтира олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.
2. “Ҳожагон-Нақшбандия” таълимоти олтин ҳалқаси намояндаларининг табаррук масканлари тўғрисида мукамал маълумолар банкни яратиб, Бухоро вилоят-тининг “Етти Пир” зиёрат кластерининг электрон платформасига киритиш.

<sup>40</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

3. “Етти Пир” зиёрати кластери хизматларга оқилона нарх ўрнатиш стратегияларини қўллаш. Бундай хизматларга нарх ўрнатиш жараёнида нархни шакллантиришнинг “харажат плус ўртача фойда” усулига асосланишни йўлга қўйиш.
4. Зиёрат туризмига мослаштирилган зиёрат-воситачилик маркетинг хизматларини республикада ташкил қилиш эвазига кириш зиёрат туризми жадал ривожлантириш.
5. “Етти Пир” зиёрат кластери хизматларига бўлган талабни ўрганиш, зиёратчиларни турли аломатлари билан сегментлаштириш; мақсадли зиёратчи гуруҳларининг хулқ-атворлари ва талаб-эҳтиёжларини ўзига хусусиятлари аниқлаш каби маркетинг чора-тадбирларни кўриш.
6. “Етти Пир” зиёратгоҳлари йўл ёқаларида пир-.....ларнинг тариқатларини реклама шаклида жойлаштириб, ташвиқот-тарғибот ишларини фаоллаштириш.
7. Етти Пир комиллари ҳаётлари ва тасаввуфий ғояларини ўзбек, инглиз, араб тилларида қисқача матнларини тузиб, ҳар бир зиёратгоҳда QR-кодлаштиришни ташкил этиш.
8. Олий ўқув юртларида зиёрат туризми таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.
9. Етти Пир муқаддас қадамжоларда фаолият кўрсатадиган имом-хатиблар учун зиёрат туризми бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш.
10. Бухоро вилоятидаги “Етти Пир” зиёрат дестинацияси (худуди)ни Ўзбекистон ҳукумати томонидан ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш учун тайёргарлик ишларини кўриш.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг янги – “ Бухоройи Шарифнинг Етти Пир зиёрати” туристик йўналиши бўйлаб суфийлик зиёратига ихтисослашган кластерни ташкил этилиши натижасида, Бухоро вилоятининг 5 та туманида умумий узунлиги қарийб 120 километр масофада тарқоқ жойлашган етти пир комиллар зиёратгоҳларини ягона сайёҳлик маршрутига бирлашиш имкони яратилади. Тарқоқ жойлашиб келган зиёратгоҳларни кластерлаштириш механизмини қўллаш туфайли ягона кластер доирасида бирлатириш натижасида “Етти Пир” зиёратгоҳлари бўйлаб ички ва ташқи зиёратчиларининг оқимини кескин оширишга олиб келади.